



ДАВР

«НИЯТИ УЛУҒ ХАЛҚНИНГ -
ИШИ ҲАМ УЛУҒ, ҲАЁТИ
ЁРУҒ ВА КЕЛАЖАГИ
ФАРОВОН БЎЛАДИ».

Ш. МИРЗИЁЕВ.

ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1971 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган.

davrgazetasi@inbox.uz

2022 йил 11 февраль №4 (4094)

● ТЎРАҚЎРҒОН ТАЖРИБАСИ

ҲАР ЙИЛГИДАН БИР ОЙ ОЛДИН БОШЛАНДИ

Ер юзидаги иқлим ўзгариши, аввало, она табиатда ўз аксини беради. Шунинг учун дала ишларини одатдагидай март ойида эмас, ҳозирдан бошлаш тақозо этилмоқда.



Туманимизда вилоятда биринчи бўлиб ғалла парваришини кучайтириш, пахта экиладиган майдонларни тайёрлаш бўйича агро-

техник тадбирлар бошлаб юборилди.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги

масалалари бўйича ўринбосари Анваржон Ҳақимов туманда бўлиб, фермер хўжаликлари раҳбарларига долзарб юмушларни амалга ошириш бўйича тавсиялар берди.

- Энг аввало, ғаллага чилла сувини бериш, қўшимча озиклантиришни жадаллаштириш керак, - деди Анваржон Ҳақимов. - Барча хўжаликларда «Сувчилар уйи»ни ташкил этиш, уларга тунги суғоришда ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бериш керак.

Бу йил сув танқислиги кузатилиши эҳтимоли юқори. Шунинг учун ҳисобга олиб, ғаллачиликда 10

фоиз, пахтачиликда 30 фоиз майдонлар томчилатиб, ёмғирлатиб суғоришга мослаштирилади. Шунингдек, Президент кўрсатмалари билан эҳтиёжманд, ишсиз фуқароларга бериладиган ерлар ўрнини дала четларидан ер қўшиш ҳисобига тўлдириб, ҳосилдорликни ғаллачиликда 100, пахтачиликда камидан 60 центнерга етказиш зарур. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида фермерлар фаол иштирок этиб, ҳар бирлари 10 минг тупдан мевали, манзарали ва ток кўчатларини экиш талаб этилади.

Вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича оқсоқоллар гуруҳи раҳбари Мўминжон Абдурахмонов, туман ҳокими Зулайхо Маҳкамвалар ҳам юқоридаги вазифалар юзасидан ўз тавсияларини беришди.

ҲОКИМ ҚОРОВУЛ ХОНАДОНИДА

Ҳар бир шахс фаровон ҳаёт кечириши, раҳбарлар унга кўмаклашиши зарур.

Ораимизда шундай инсонлар борки, оддий турмуш кечириб, ҳалол яшайди. Уларнинг саришталлиги ва меҳнаткашлиги туфайли корхона ва ташкилотлар обод ҳамда файзлидир.

Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураizzoқов: «Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча бошқарма, ташкилот ва муассасалар, корхона ва фирмалар раҳбарлари шахсий намуна кўрсатиши керак. Ҳар бир жамоа ва маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларга қўшимча даромад келтирадиган манба берилади. Жамоасидаги эҳтиёжманд оила вакили борлигини билиб туриб, бемалол юришга ҳеч бир раҳбарнинг ҳақи йўқ!» деганда ана шундай инсонлар назарда тутилган.

Туман ҳокими Зулайхо Маҳкамова бир неча йилдан бери ҳокимликда қоровул бўлиб ишловчи Илҳомжон Қоробоевнинг хонадониди бўлди. Оилага озик-овқат маҳсулотлари ва 20 бош зотдор товуқлар етказилди.

- Саломатлигим туфайли бирон жойда ишлай олмайман. Биринган паррандаларни меҳр билан парваришлаб, уларни кўпайтириб, тухумини сотиб, турмуш ўртоғимга рўзгор бутлигида, икки нафар фарзандимизни яхши тарбиялашда кўмаклашаман, - дейди оила бекаси Муҳаббат Юнусова.

Ҳокимлик ҳамда корхона, ташкилотлар раҳбарлари томонидан эҳтиёжманд ходимлар оилаларидан хабар олиш давом этмоқда.

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА



«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да туман раҳбарлари секторларда, учрашувларда доимий қабулларини уюштиришган. Ҳафтанинг сешанбаси эса алоҳида кун...

Айни шу кунда туман ҳокими Зулайхо Маҳкамова сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, мутасаддилар иштирокида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тингладилар.

Қабулнинг дастлабкилари савоб ишлардан бошланди. Ёртепа маҳалласида яшовчи Қизлархон Исмоилова фарзанди Муҳаммаднинг соғайиб кетиши учун «Маҳалла» фондидан моддий ёрдам оладиган бўлди.

Шовон маҳалласида яшовчи бир гуруҳ аҳоли ичимлик суви тармоғини тортишда, Қатағон маҳалласи фуқаролари янги трансформатор ўрнатишда кўмак сўраб қилган мурожаатлари ҳам ижобий ечим топадиган бўлди.

«Ўзбекистон»лик Юлдузхон Исмоилова болалар нафақасини олиш, Лангарбобода яшовчи Муҳаббат Аҳмад-жонов уй-жой қарори зарурлиги, Чустқўприк маҳалласи фуқароси Акмалжон Ирисов даволаниш учун ёрдам ва ногиронлик аравачаси кераклиги, Мажнунтол маҳалласида яшовчи Муқаддам Акбарова туманда янги қуриладиган хонадонлардан ажратилиши бўйича ҳокимга юзландилар.

Албатта, ечими йўқ масала бўлмайди. Фақат баъзилари муддат талаб этади, айримлари босқичма-босқич амалга оширилади. Шундай ҳолларда мурожаатчиларга тўғри тушунтирилиб, ҳуқуқий маслаҳат берилади.

3457 нафар аҳоли яшайдиган Озод маҳалласи саховатпеша соҳибкор, деҳқону тадбиркорлари билан машхур. Шу ерда яшовчи ишбилармон йигит Ҳамидулло Қодиров 210 миллион сўм маблағ сарфлаб, маҳалла учун давлат-хусусий шериклик асосида мўъжазгина янги бино қуриб берди.

МАҲАЛЛАНING ЗАМОНАВИЙ БИНОСИ

Унинг очилиш маросимида сектор раҳбарлари, нуронийлар, ёшлар вакиллари иштирок этишди. Туман ҳокими Зулайхо Маҳкамова таъкидлаб ўтганидек, маҳалла бинолари мустаҳкам ва файзли бўлса, бу жойда Ватанни асраш, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, оилалар тотувлиги, халққа хизмат қилиш каби эзгу гоялар жамланади ва тарбия ўчоғи сифатида хизмат қилади.

«Маҳалла» жамоат фонди вилоят бўлими томонидан берилган замонавий жиҳозлар, туман ҳокимлиги туҳфа этган 150 доналик китоб жамланмалари янги бинога кўрмана бўлди.

- Наврўз байрамигача яна учта маҳалла фуқаролар йиғинида шундай очилиш маросимларини ўтказамиз, - дейди Маҳалла ва оилани



қўллаб-қувватлаш туман бўлими раҳбари Шерзоджон Собиров.

Тадбирдан сўнг маҳалла ёшлари футбол бўйича ўзаро мусобақа ташкиллади.

Инсон борки, тўқ ва фаровон яшашни истайди. Бунинг калити ўз қўлида бўлса-да, баъзан турли сабаб ва омиллар туфайли истигага етишга қийналади. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмунини эса шу йўлда уларга кўмаклашиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, ҳаммани касб-хунарга ўргатишдир.

Жорий йилдан иш бошлаган иқтисодий масалалар ҳамда ёшлар бўйича ҳоким ўринбосарларига Юртбошимиз томонидан ана шу вазифаларни амалга ошириш ишониб топширилди.

Юқори Мўғултой маҳалласида ташкилланган амалий семинарга таклиф этилган масалага дахлдор мутасаддилар аҳолига томорқа хизмати кўрсатиш, чорвачилик, қуёнчилик, паррандачиликни ривожлантириш, касб-хунарга ўргатиш бўйича кенг-роқ маълумотга эга бўлдилар. Биргина мисол, Шаҳанддаги касб-хунарга ўқитиш марказини ўтган йилдан бери 1800 нафардан ортиқ фуқаролар битириб, сертификатга эга бўлдилар ва

ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД

ТЎРАҚЎРҒОННИ АНА ШУНДАЙ ТУМАНГА АЙЛАНТИРИШ УЧУН ҲАРАКАТ БОШЛАНДИ

ўзларини ўзлари банд қилишга эришдилар. Бу ерда 15 турдаги касб-хунарга ўргатилади, 3 ойда ўрта махсус маълумот дипломига тенглаштирилган сертификат берилади.

Семинарда барча сектор раҳбарлари иштирок этишди. Туман ҳокими Зулайхо Маҳкамова ҳоким ёрдамчиларига ҳар бир фуқарони давлат билан юзлаштишга, яъни, фаолиятини расмийлаштириб, имтиёзлардан ва кексайганда пенсия таъминотидан фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, Тўрақўрғонни ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш учун фаол бўлиш, ҳар куни битта иш ўрни яратиш ва битта маънавий-маърифий тадбир ўтказиш топширигини берди. Ёрдамчиларнинг ишини кузатиш учун келгуси ҳафтадан бошлаб ҳар битта маҳаллада шундай семинарлар ташкил этилади.

Мазкур маҳаллада ибратли хонадонлар жуда кўп. Абдуғаф-



фор Қоробоев оиласи 10 сотих томорқасидан унумли фойдаланади. Раҳимжон Сайдуллаев эса Хитой услубида иссиқхона қуриб, лимончиликка илмий ёндашмоқда. Туман раҳбари Зулайхо Баҳриддиновна бу уйда «Раҳимжон отанинг лимончилик тажриба мактаби»ни яратиш таклифини берди.

Сектор раҳбарлари маҳалла

кўчасига мевали дарахтлар экиб беришди ва аҳолига ҳам тарқатиб, барчани «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг навбатдаги босқичида иштирок этишга чорлашди.

Семинарда вилоят аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлигининг биринчи ўринбосари Маликжон Қосимов иштирок этди.

● НАОИЙХОНЛИК ВА БОБУРХОНЛИКЛАР

Куни кеча бой ва серқирра ижоди ўзбек адабиётидаги на эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам салмоқли ўринга эга, лирик, эпик ва фалсафий асарлари билан XV аср адабиётида чуқур из қолдирган, асарлари ҳаётлик давридаёқ Хитойдан тортиб Кичик Осиёгача етиб борган ва ҳозирда ҳам бутун дунё халқлари севиб ўқиётган улуғ шоир ҳамда давлат арбоби Алишер Навоийнинг 581 йиллиги кенг нишонланди.

ҲАМИША БАРҲАЁТ



Навоий ижодига назар ташласак, шеърининг 16 хил жанрида ижод қилганлигини билиб оламиз: ғазал, рубоий, туюқ, фард, қитъа, мухаммас, мусаддас, мусаллам ва ҳоказо. Бу каби жанрларда ҳеч бир шоир Навоийдек ижод қилганлигини учратолмайсиз.

Олимлар ҳисоблаб чиқишган. Пушкин ўз асарларида 21197 та бетакорор сўз ишлатган.

Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес мингга яқин. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660 та бетакорор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган.

1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида қутлуг кун муносабати билан туман ҳокимлиги, республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, маданият бўлими, ахборот-кутубхона маркази, 9-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоалари ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз борди, ғазалларидан ҳамда улар билан айтилаётган қўшиқлар ижро этилди.

Тадбирда туман ҳокими Зулайхо Маҳкамova, 2-сектор раҳбари, туман прокурори Элёрбек Талабов ва бошқалар иштирок этишди.

«Ўзбек тилим - ифтихорим» мавзудаги кўрик-танловнинг республика босқичида муносиб ўрин олган шу мактаб ўқувчиси Моҳи-зода Мирзаева, унинг устози, «Дўстлик» ордени соҳибаси Лобар-хон Рустамova, туман халқ таълими бўлими услубчиси Нигора Ма-мараҳимоваларга тақдирловлар топширилди.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТИМИЗ ТИМСОЛЛАРИДАН

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, бобурийлар сулоласи асосчиси, теурий шахзода Бобур ўз даврининг буюк шахсларидан бири эди. Унинг шоҳ ва шоир дея улуғланишига адабиёт ва тарих, мусиқа ва санъатдан яхши хабардорлиги, диний таълимотга чин ихлос қўйгани, ижод аҳлига, касбу хунар соҳибларига самимий эҳтиром кўргазиб, моддий ва маънавий рағбатлантириб тургани сабабдир. Ижод ва санъат аҳлига бундай меҳрли муносабат асло бежизга бўлмаган - Бобур табиатан ижодкор эди. Ёшлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижод билан шуғулланган шоир ҳар қандай шароитида ҳам ёзишдан тўхтамади.



Ўзбек адабиётида лирик асарлари билан машҳур Бобурнинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоятда мураккаблашган, феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжга чиққан, Теурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикоси «Бобурнома»да, шоир руҳияти акс этган шеърларда намоён бўлади.

Бобурдан қолган ижодий мероснинг энг муҳим ва энг йириги Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган ўша давр ўзбек классик адабиёти ҳамда адабий тилининг ёрқин намунаси бўлган «Бобурнома» асаридир.

Ушбу китоб тарихий ёзувларнинг қисқа маълумоти эмас. Асарда шоҳ ва шоирнинг фаолияти, муваффақиятли ва муваффақиятсиз ҳарбий юришлари, умуман, саргузаштга бой ҳаётининг барча воқеалари тасвирланган.

Мухтасар айтганда, Бобур ўз асарларида чин, ҳалол, вафодор инсонни улуғлайди. Унинг сатрларини ўқиган кишида ушбу даҳонинг ғоят чуқур ва ҳиссий табиати ҳақида тушунча шаклланади. Мен барчага инсоният маданий ҳаёти тарихида чуқур из қолдирган Бобурнинг фаолияти ва меросини чуқур ўрганишни тавсия қиламан. Зеро, у сингари мутафаккирларимиз маънавиятимиз тимсолидир.

Маъсуда БЕГМАТОВА,
Республика маънавият ва маърифат
маркази туман бўлими раҳбари.

Халқ депутатлари туман кенгазининг сессиясида туман молия бўлими мудири Умиджон Аҳмедходжаев очик бюджетни ошкоралик, шаффофлик намунаси, дея таърифлади.

Президентимизнинг тегишли Қарорларига кўра, Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги қошида «Фуқаролар ташаббуси жағфармаси» ташкил этилган ва унга туман маҳаллий бюджетининг йил бошига шаклланган эркин қолдиқ ҳамда чорақлар бўйича даромадларни ортиги билан бажарилган қисми ҳисобидан ўтган 2021 йилда жами 1 миллиард 240,6 миллион сўм ўтказилиб, қўшимча 500 миллион ажратилди ва жами 1 миллиард

ОЧИК БЮДЖЕТ

ОШКОРАЛИК, ШАФФОФЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, ФАОЛЛИК ДЕМАКДИР

740,6 миллион сўм маблағ шакллантирилди.

«Очик бюджет» ахборот порталида фуқаролар томонидан келиб тушган 172 та лойиҳадан 7 таси электрон овоз орқали ғолиб деб топилди ва тумандаги қабристонлар деворини тўсиқ билан ўраш, Янгиобод ҚВПни таъмирлаш, 24-МТТ гуруҳлари хонасига кондиционер ўрнатиш, 17-ДИМИга маркерли доска ва проекторлар олиш, 14-МТТни таъмирлаш, Ёртепа ва Туркистон

маҳаллаларининг ички кўчаларини асфальтлашга маблағ ажратилди.

Жорий 2022 йилда ҳам «Очик бюджет»да овоз тўплаш, энг муаммоли масалаларни ҳал этилишига қарийб 6,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Овоз беришнинг дастлабки чорак учун муддати 20 февраль этиб белгиланган. Ҳозиргача 93 та таклиф келиб тушди ва бу жараён давом этапти.

ИНСОН ВА ҚОНУН

Бугун юқори ташкилотларга қилинган фуқаро мурожаатларининг аксарияти кредит олиш тўғрисида эканлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Афсуски, банклар орқали маблағга эга бўлиш иштиёқидаги талабгорларнинг аксарияти бу ҳаракатлари билан юзага келадиган шартларни бажармаслик оқибатлари ҳақида тушунчага эга эмаслар.

ОҚИБАТИ ЁМОН



КРЕДИТ ОЛИШДАН АВВАЛ...



дан қарз олиб, тўлай олмай, кредиторлар билан зиддиятларга бораётганлар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, тузилган ҳуқуқий ҳужжат бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Қисқаси, унда ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ акс эттирилади.

Ушбу жараёнда бошқа фуқаро билан кафилик шартномаси ҳам тузилиши мумкин. Унга кўра кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Ёзма шаклда шакллантириладиган шартноманинг бу тури келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин. Банкдан кредит олган шахс мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Юқорида қайд этилган талаблардан тўғри хулоса чиқариш лозимки, ўйламай қилинган ишни деб давлатга ҳам, жамиятга ҳам зарар етмасин. Кредит олмоқчимисиз? Уни аниқ мақсад учун сарфланг, ана шунда банк ҳам, ўзингиз ҳам зиён кўрмайсиз.

А. САФАЕВ,
вилоят суди фуқаролик ишлари
бўйича судлов хайъати раиси.

Гиёҳванд моддалар истеъмоли инсон организми учун зарарли бўлибгина қолмай, бу иллат жамият учун ҳам хатарлидир. Шу сабабли Ички ишлар тизимида «Қорадори» тадбири ўтказилади ва жиноятлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан жазо чоралари қўлланилади. Ўтган йилда ҳам ана шундай тадбирлар орқали бир қатор жиноятлар фожия қилинди. Масалан, «Соҳилобод» МФИда яшовчи Валижон Жамолитдиновнинг боғи ҳолислар иштирокида текширилганда, боғдаги уйнинг тахмонидан елимпакегга ўралган, гиёҳванд моддага ўхшаш модда топилган. Экспертиза хулосасига кўра, «топилма» соф оғирлиги 149,32 грамм келган марихуана эканлиги маълум бўлди.

Чуст тумани, Олмос маҳалласида яшовчи Иброҳим Тўраев ўзига тегишли автомашинада туманимиздаги Еттикон маҳалласи ҳудудида ўтирганида, унинг хатти-ҳаракати ИИБ ходимлари учун шубҳали кўринди ва фуқаро ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди. Зийрак ходимлар бежизга «меҳмон»га эътибор қаратишмаган экан. Сабаби, унинг эғнидаги кийимнинг чўнтагидан елимпакегга ўралган, ўткир ҳидли модда топилди. Кимёвий таҳлил бу ҳам марихуана эканлигини тасдиқлади. Ҳар икки айбдор қилмишига яраша жазосини олди.

Дониёр МИРЗАХМЕДОВ,
туман прокурори ёрдамчиси.

НАФСИНИНГ ГАПИГА КИРИБ...

ОБРЎСИ ТЎКИЛГАН МУАЛЛИМ

пора беришга далолат қилиб, уларнинг 3.150.000 сўм пуллари олиган вақтида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ушланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган Зоҳиржон Юнусов қилмишига яраша жазоланди. Жумладан, у 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Агар у ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўзлаб жиноятга қўл урмаганида, бундай бўлмасди, албатта.

Бугун коррупцияга йўл қўймаслик ҳақида бот-бот огоҳлан-

тириляпти. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган таъсирли чиқишлар бежизга эмас - ушбу иллатнинг давлатга ва жамиятга етказадиган зарарлари беҳисоб. Коррупциянинг жамиятга, тараққиётга ва хавфсизликка катта таҳдид эканини ҳар бир онгли инсон чуқур англаши лозим. Афсуски, кундалик ҳаётимизда коррупция билан боғлиқ юқоридаги каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Барчамиз бирлашиб қонунга ҳилоф бундай ҳолларга йўл қўйилмаслигига эришайлик, азизлар. Мазкур жиноят ишини тафсилотлари билан эътиборингизга ҳавола этиб, огоҳлантиришдан мақсадимиз ҳам шу аслида.

Отабек СИДДИҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича
туман суди раиси.

Ахсилик Жавлонали Мирзаев томорқасида Калифорния қизил ёмғир чувалчанги парваришлайётгани ҳақида эшитиб, асти ҳайрон бўлмадим. Чунки мактабда мусиқа фанидан дарс берадиган бу укамизнинг тиниб-тинчимаслигига мисолларни кўп кўрганман. Доим фойдали ишларни бошлаб юради. Жумладан, бўш вақтида 2018 йилда ташкиллаган иссиқхонасида помидор, бодринг, аччиқ қалампир етиштириб, қўшимча даромад олди. Феълидаги изланувчанлик уни эришганлари билан чекланишга қўймади. Жавлоналини ерларимизга солинаётган кимёвий ўғитларнинг экологияга ва озиқ-овқат маҳсулотларига келтираётган зарари ташвишлантирарди. Шу боис биологик соф маҳсулот етиштириш мақсадида астойдил изланди.

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ ҚАЙТА ИШЛАНСА, "ОЛТИН" БЎЛАРКАН

Ана шундай кунларда мингбулоқлик тадбиркор Алижон Рўзиев билан танишган Жавлонали ундан оддий ёмғир чувалчанги ёрдамида маҳаллий ўғитни олтиндек қимматбаҳо қилиш усуллари кунт билан ўрганиб олди. 2021 йилнинг ёз ойида ўзи



мустақил равишда биоғумус етиштиришга киришди. 1 арава гўнг ташланган 2 квадрат метр майдонга Калифорния қизил ёмғир чувалчангини солиб, парваришлай бошладди. 3 ойда 20 квадрат метрни эгаллаган умуртқасиз жониворларни 250 квадрат метр майдонга ёйди. 4 йиллик тажрибалари натижасида тайёрланган дастлабки ўғит билан озиқлантирган қалампирлар чунонам ҳосилладик, кўрганлар ҳайрон қолди.

- 1 гектар ерни маҳаллий ўғитга тўйинтириш учун 40 тонна гўнг керак бўлади, - дейди Ж. Мирзаев. - Биоғумуснинг 4 тоннаси ўша миқдорни босишга қодир, ишонинг. Ҳеч қандай селитра, аммиак керакмас. Кузатувларим натижасида, биоғумус ерга солинганда, паст ҳароратда ҳам тупроқнинг совиши камайишига, намликни сақлаши эса ортиб боришига (яъни, ер қаъридаги ҳарорат 20 даражагача юқори-

лашига) гувоҳ бўлдим. Пировардида, ҳосил 20 кун барвақт етиларкан, ҳосилдорлик икки бараварга ошаркан.

СУВ СЕПИБ ТУРИЛСА, БАС

Табиийки, қизиқувчиларни хорижлик чувалчангига нима билан боқиш қизиқтиради. Чунки дарров чет элдан келтирилган экан, озиқланиши ҳам шунга яраша қимматдир,

деган ўй келади-да, ҳаёлингизга. Шу тўғридаги саволларимизга Жавлонали қуйидагича жавоб берди:

- Қиш фаслида 15-30 кунда бир сув сепиб қўяман, ёзда ҳар куни. Шунингдек, хазон, гўнг унинг севибли «озуқа»си. Елимхалта қолдиқлари, темир, шиша сиғи, ёнғоқ ва чинор барги, товуқ гўнги уларга мумкин эмас.

КИМЁВИЙ ЎҒИТДАН АРЗОН

Биоғумус кимёвий ўғитлардан анчагина арзон бўлиши билан бирга, ерларимиз учун ниҳоятда фойдали экан. Бугун кимёвий ўғитларнинг еримизга ҳам, соғлигимизга ҳам нечоғли зарарлигини биламиз. Ўз-ўзидан чиритиш хусусияти бор биоғумуснинг бизни боқадиган тупроқ таркибига ниҳоятда нафи катталигини эътиборга олсак, Жавлоналининг интишлари бежизга эмаслигини англаймиз.

ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНГА ЖАЗО КУЧАЙТИРИЛДИ

Президент томонидан имзоланган муҳим ҳужжатга кўра, Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришга биноан оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга олиб келиш жинояти учун жарима миқдори оширилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришга асосан эса юридик шахсларга тегишли бўлган ёки ўзларига бириктирилган ҳудудларда дарахтларни муҳофаза қилиш ва сақлашга доир қонунчиликда белгиланган чораларни кўрмаган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилади. Бундан ташқари, белгиланмаган жойларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташлаш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан уч баробаригача, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан йигирма баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Қисқаси, она табиат муҳофазаси давлатимиз назоратида. Тумандошларимиздан юқорида санаб ўтилган ҳолатларга йўл қўймасликларини сўраб қоламиз.

Ойбек МАМАТАЛИЕВ,

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспекцияси бош мутахассиси, давлат инспектори.



● ПСИХОЛОГ ТАВСИЯСИ

ИККИ КАРРА КЎПАЙИБ ҚАЙТАДИ

Манфаатсиз муҳаббат улашинг. Шунда атрофдагилар ҳам сиздан чиқаётган меҳрни, севгини шартсиз қабул қиладилар.

Фарзанд ўстирамиз, катта қиламиз. Ўйлаб қарасак, уларга ҳам қанча шартлар қўйиб юборарканмиз. "Мактабда "5" баҳо олсанг кейин, уйларни тозаласанг кейин, овқатингни еб олсанг кейин, институтга кирсанг кейин... кейин... нимадирга эришинг мумкин..."

Шунда бола нима йўл тутати? Албатта "5 баҳо" олиб келсам, ота-онамга ёқаман, уйларни йиғиштирсам мени яхши дейишади, деб фикрларида чалқашиб кетади. "Мен агар ота-онамга ёқадиган иш қилсамгина, яхши кўришади, бўлмаса йўқ!" деган тушунчага келади. Шунинг учун баъзида бола "Ман ёмонман, мени ҳеч ким яхши кўрмайди, деб йиғлайди. Бу ҳам бир сигнал! Ва ўзига нисбатан ҳам шундай шартлар қўя бошлайди, меҳрни қилган ишлари орқалигина сўраб олишга ўрганиб қолади.

Хулоса ўрнида, келинг, бугундан бошлаб Сиз ўзингизга шартсиз муҳаббат бера бошланг, атрофингиздаги инсонларга, ўзингизга, турмуш ўртоғингизга, фарзандингизга, ота-онангизга... Ёнингиздаги инсонга у ким бўлишидан қатъи назар, "Шунчаки борлигингиз, мени ҳаётимда иштирок этаётганлигингиз, ҳаёт йўлимизнинг бирлиги сиз билан боғлангани учун шукрона келтираман" денг... Зеро, Сиздан таралаётган меҳр, албатта ўзингизга икки карра кўпайиб қайтгай...

Муҳаррам ЭРГАШЕВА,
29-мактаб психологи.

ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги институти, Темурбеклар мактаби ҳарбий академик лицейларига ўқиш учун ҳужжатлар қабул бошланди.

Қўшимча маълумотлар учун туман мудофаа ишлари бўлимига мурожаат этиш мумкин.

Туман мудофаа ишлари бўлими.



● САВОЛ-ЖАВОБ

ИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

Клиник ординатурада ўқиган давр иш стажига қўйиладими?

Саволга Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳошимжон МАМАТҚУЛОВ қуйидагича жавоб берди:

- Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга кўра олий таълим муассасаларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 710-сонли Қарорига мувофиқ 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари аҳолини рўйхатга олиш белгилаб ўтилган.

ТАРТИБЛАРДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Қонун ишлаб чиқилди. Унда тартиблар белгиланган бўлиб, жумладан;

- рўйхатга олишда респондентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари-ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиш;

- ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлаштириш;

- рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслик;

- рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ушбу тадбир орқали энг аввало мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари учун муҳим маълумотлар тайёрланади, Жумладан;

- Аҳолининг аниқ сони;
- Ёшга доир маълумотларга асосан, 3-7 ёшгача бўлган болаларимизни боғчаларга жалб қилишимиз, улар учун етарли шароитга эга бўлган, ўзларига



яхин ҳудудларга боғчалар куриш учун аниқ маълумотлар шакллантиришга;

- Аҳоли бандлиги маълумотларига асосан эса фуқароларимизни иш билан таъминлаш учун корхоналар, кичик саноат зоналари ташкил этиш, уларга бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш, миграция кўрсаткичларини пайсатирган ҳолда ўзимизда иш ўринлари яратишга;

- Маҳаллаларда истиқомат қилиб келаётган ёшлар, хотин-қизлар, иш билан банд аҳоли, кексалар сони ҳамда ушбу маҳалланинг паспорт маълумотлари шакллантирилади.

Иззатилло САЙДУЛЛАЕВ,
туман статистика бўлимининг етакчи мутахассиси.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ

Туман ободонлаштириш бошқармасига туман ҳудудига экиш мақсадида мавсумий гул уруғлари сотиб олиш ва 2022 йил давомида мавсумий гул етиштириб бериш учун 50 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ажратилган маблағ учун тадбиркорлик субъектларига танлов ўтказилиши билдирилади. Танловда иштирок этишни истовчилар 2022 йил 15 февралгача Тўрақўрғон шаҳри, Косонсой кўчаси, 3-уйда жойлашган бошқарма маъмуриятига мурожаат этишлари мумкин. Телефон: 69-44-21-3-69.

